



XALQ DEPUTATLARI SURXONDARYO VILOYATI KENGASHINING QARORI

Termiz shahri, At-Termiziyo ko‘chasi 1-uy. 190100, tel: (76) 224-12-30, (76) 224-03-94, (76) 221-74-81

2021 йил «25» июль

VI-31-49-8-0-K/21

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

“Ҳар бир тадбиркор-ёшларга мададкор” тамойили асосида кўнгилли тадбиркорларни жалб этган ҳолда 1 нафар тадбиркорларга 1 нафардан ишсиз ёшларни бириктириш ташаббусини амалга ошириш тўғрисида

“Ҳар бир тадбиркор-ёшларга мададкор” тамойили асосида кўнгилли тадбиркорларни жалб этган ҳолда 1 нафар тадбиркорларга 1 нафардан ишсиз ёшларни бириктириш ташаббусини амалга ошириш тўғрисида Ёшлар ишлари агентлиги Сурхондарё вилояти бошқармаси бошлиғи Ж.Чориевнинг ҳисоботи “Ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари бўйича доимий комиссиясида эшитилганлигини ва билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олиб, халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши қарор қиласиди:

1. “Ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари бўйича доимий комиссиясининг 2021 йил 8 июлдаги ЗООМ дастури орқали ўтказилган йифилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вилоят ҳокимининг биринчи ва тармоқлар бўйича ўринbosарлари (Ф.Маманов, И.Сапаров), Ёшлар ишлари агентлиги Сурхондарё вилояти бошқармаси (Ж.Чориев):

вилоятда ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ишлар натижадорлиги ва ёшлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш чораларини кўрсин;

биринчи навбатда, ёшлар бандлигини таъминлашга, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга, ижтимоий ва иқтисодий томонлама қўллаб-қувватлашга ҳамда уларнинг қобилиятларини рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратсин.

3. Вилоятдаги давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига:

ёшлар билан олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ошириш чораларини кўриш;

иқтисодиёт, таълим, спорт, соғлиқни сақлаш, замонавий ҳунармандчилик, ахборот технологиялари каби соҳаларда янги инноватцион ғояларни ишлаб чиқишига қодир бўлган иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларнинг ташаббус ва интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тизимини йўлга қўйиш;

ҳафтанинг ҳар чоршанба куни ёшларнинг муаммо ва таклифларини эшитиш ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўриш;

ёшлар бандлигини таъминлаш юзасидан манзилли режа ишлаб чиқиш ҳамда ушбу режага асосан ишларни ташкил этиш;

ушбу йўналишда олиб борилаётган ишларни ҳар ойда танқидий муҳокама этилишини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

4. Вилоят ҳокимининг ўринbosари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи М.Тоиров, вилоят Бандлик бош бошқармаси (С.Жумаев), Ёшлар ишлари агентлиги Сурхондарё вилояти бошқармаси (Ж.Чориев):

2021 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини яратиш бўйича ташкил этиладиган иш ўринларига ишсиз ёшларни жалб қилиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш;

ишсиз ёшларни жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобидан вақтингчалик ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиш орқали бандлигини таъминлашга кўмаклашиш;

чекка ҳудудларда шахсий томорқаларини ривожлантириш учун енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш, уруғликлар, қўчатлар ва сугориш воситалари харид қилиш учун субсидиялар ажратиш чораларини кўрсин.

5. Марказий банк вилоят бош бошқармаси (У.Зокиров), тижорат банклари билан биргаликда 2021 йилда ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида “Ҳар бир оила тадбиркор” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 октябрдаги “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4862-сон қарори билан имтиёзли кредит маблағлари ажратилишини таъминласин.

6. Термиз шаҳар ва туманлар ҳокимлари ёшларни 5 та муҳим ташаббус асосида ташкил этиладиган маданият, спорт, компьютер технологиялари ва китобхонлик ҳамда тикувчилик йўналишларида тўгараклар ва тадбирларга ёшларни кенг жалб этиш ишларини амалга оширсин.

7. Юқорида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан тегишли мансабдор шахслар томонидан ҳар чорак яқунида ҳалқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашига ёзма ахборот киритиб борсин.

8. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш ҳалқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг Ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари бўйича доимий комиссияси (Ш.Холлиева) зиммасига юклансин.

9. Мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Кенгаш раиси



Bobolov T.A.